XALQ DEPUTATLARI JALAQUDUQ TUMAN KENGASHI

QAROR

Jalaquduq shahri

2022 - yil 22 - avgust VI-37-81-1-21-K/22 Jalaquduq tumani hokimligi

Туманда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги томонидан берилган экспертиза хулосаларига кўра географик объектлар номларини тасдиқлаш ҳамда қайта кўриб чиқиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунини 10-моддасида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар ҳокимлари киритган таклифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарорини 10-бандида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, худудлардаги маҳалла кўча номларини миллийлигимизга мос хамда замонавий номлар билан аташ кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги томонидан берилган экспертиза хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги томонидан берилган экспертиза хулосаларини кўра, Жалақудуқ туманидаги 4 та географик объект, Бўстон, Янгисор, Олмазор маҳаллаларидаги 3 та кўча номлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шархончеки МФЙдаги “Алимайдон” кўчасининг номини ўзгартириш бўйича таклифни қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.

3. Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (С.Ўринбоев), Бўстон, Янгисор, Олмазор МФЙ раисларига:

Бўстон, Янгисор, Олмазор маҳаллаларидаги мавжуд 3 та кўчалар номларини тасдиқланган янги номларга ўзгартириш;

Бўстон, Янгисор, Олмазор маҳаллаларидаги мавжуд 3 та кўчалардаги мавжуд хонадонларни рақамлаштириш ишларини қайта амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

4. Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси (Н.Хурхонова), туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб- қувватлаш бўлими (С.Ўринбоев) га:

тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги мавжуд кўчалар номларини худудларидаги жамоатчилик кенгашлари ва кенг ахоли қатламлари иштирокида қайта кўриб чиқиш топширилсин.

5.Ушбу кенгаш қарори расмий матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6.Мазкур қарор “Жалақудуқ хаёти” газетаси (Ш.Хайитохунов)да расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соха ва ахолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Б.Саидов зиммасига юклатилсин.

Tuman Kengashi raisi **Х. Латипов**

Xalq deputatlari Jalaquduq tuman
Kengashining
2022 yil 22 avgustdagi
VI-37-81-1-21-K/22-son qaroriga
1-ilova

Жалақудуқ туманидаги Бўстон, Янгисор, Олмазор маҳаллаларидаги номлари ўзгартириш учун тавсия этилган кўчалар

№	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф	Эксперт комиссиясининг хулосаси
1	Кўча	Бўстон МФЙ	Оқ эчки	Сарбон Саришта Маърифат Сохибқирон	Таклифлардан **“Сарбон”** номи тавсия этилди. Қонун хужжатлари талабларига мувофиқ
2	Кўча	Янгисор МФЙ	Марварид	Нурли келажак Зиёкор Чароғон Истиқбол	Таклифлардан **“Нурли келажак”** номи тавсия этилди. Қонун хужжатлари талабларига мувофиқ
3	Кўча	Олмазор МФЙ	Равнақ	Сохибқирон Ал Беруний Юксалиш	Таклифлардан **“Сохибқирон”** номи тавсия этилди. Қонун хужжатлари талабларига мувофиқ